



THE STATE OF PUBLIC SERVICES FOR THE POPULATION IN THE UZBEK SSR DURING THE YEARS OF THE SECOND WORLD WAR

Shakhnoza Qalandarovna Abdinazarova

Trainee Doctoral Candidate at the Institute of History

Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: War, economic crisis, household items, bathroom, hairdresser, shops, market, prices, workshop.

Received: 12.09.25

Accepted: 13.09.25

Published: 14.09.25

Abstract: Despite the fact that 80 years have passed since the end of the Second World War, it is never possible to forget about the terrible days that left an indelible mark on the history of mankind. The domestic supply system, which was considered an integral part of the country's economic sphere, was in a very difficult position, like other spheres. Only some of the domestic network was in operation during this period. It was not until the demands of the difficult conditions of the war period that it was mainly bath-laundry farms, post-contact networks, food and clothing stores, shoe repair workshops, barber shops (although not on demand) that it operated. The level of household supply of the population remained in a difficult position, despite the growing demand. Because the country's funds were not diverted to this sector, the funds allocated were also insufficient to meet the needs of the population. The article analyzes the state of household life of the population in complex conditions of the period, types of household services, their activities on the basis of archival documents.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ССРДА АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ АҲВОЛИ

Шахноза Қаландаровна Абдиназарова

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси

Тарих Институтини таянч докторанти

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Уруш, иқтисодий танглик, маиший таъминот, ҳаммом, сартарошхона, савдо дўконлари, бозор, нарх-наво, устахона, ошхона, санитария.

Аннотация: Иккинчи жаҳон урушининг тугалланганига 80 йил бўлишига қарамай, инсоният тарихида ўчмас из қолдирган мудҳиш кунларни ҳеч қачон унутиб бўлмайди. Мамлакат иқтисодий соҳасининг ажралмас қисми ҳисобланган маиший таъминот тизими ҳам бошқа соҳалар сингари жуда оғир ҳолатда эди. Маиший тармоқнинг баъзиларигина бу даврда ишлаб турганди. Уруш даврининг мураккаб шароит талабларидан келиб чиқибгина асосан ҳаммом-кир ювиш хўжаликлари, почта – алоқа тармоқлари, озиқ-овқат ва кийим-кечак дўконлари, поябзал таъмирлаш устахоналари, сартарошхоналар (талаб даражасида бўлмаса-да) фаолият олиб борган. Аҳолининг маиший таъминот даражаси талаб кучайиб боришига қарамасдан оғир аҳволда қолаверди. Чунки бу соҳага мамлакат маблағлари йўналтирилмай кўйди, ажратилган маблағлар ҳам аҳоли эҳтиёжини қондириш учун етарли эмасди. Мақолада даврнинг мураккаб шароитларида аҳолининг маиший турмуш аҳволи, маиший хизмат турлари, уларнинг фаолияти архив ҳужжатлари асосида таҳлил қилинади.

СОСТОЯНИЕ БЫТОВОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ НАСЕЛЕНИЯ В УЗБЕКСКОЙ ССР В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ

Шахноза Каландаровна Абдиназарова
Аспирантка Института истории
Академии наук Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Война, экономический кризис, предметы домашнего обихода, ванная, парикмахерская, магазины, рынок, цены, мастерская, кухня, сантехника.

Аннотация: Несмотря на 80 лет со дня окончания Второй мировой войны, нельзя забывать о тех страшных днях, которые оставили неизгладимый след в истории человечества. Система бытового снабжения, считавшаяся неотъемлемой частью экономической сферы страны, находилась в таком же тяжелом положении, как и другие отрасли. В этот период функционировала лишь часть бытовой сети. Только из-за сложных условий военного времени в основном функционировали банно-прачечные, почтовые отделения,

продовольственные и швейные магазины, мастерские по ремонту обуви, парикмахерские (хотя и не на должном уровне). Уровень благосостояния населения оставался тяжелым, несмотря на растущий спрос. Поскольку средства страны не направлялись в этот сектор, выделенных средств также было недостаточно для удовлетворения потребностей населения. В статье анализируется бытовое положение населения в сложных условиях периода, виды бытового обслуживания, их деятельность на основе архивных документов.

Дунё давлатлари катори Ўзбекистоннинг ҳам айнан уруш йиллари жуда оғир даврларга тўғри келди. Бу даврда мамлакат иқтисодий, ижтимоий, маданий инқирозни бошидан кечирган бўлса-да, ўзбек халқи ўзининг меҳнатсеварлиги, инсонпарварлиги ва она ватанга бўлган меҳр-муҳаббати, ватан олдидаги бурчини сидқидилдан адо этиши учун ўз ҳаловатидан кечиб, ватанни ҳимоя қилишга хизмат қилди.

Бу даврда аҳоли орасида турли юқумли касалликлар тарқалишини олдини олиш мақсадида ҳаммом-кир ювиш хўжаликлари фаолиятига эътибор қаратила бошлаган. Жумладан, 1943 йилда Тошкентда 14 та шаҳар, 14 та вазирлик ва юқори идоралар тасарруфидаги ҳаммомлар бўлган. Шунингдек, 1942-1943 йилларда шаҳардаги 61 та муассасалар ва ташкилотлар қошида иссиқ сувли душхоналар ташкил этилган. Урушнинг сўнгги йилларида эса ҳаммомларда аҳолини қабул қилиш сиғимини кенгайтириш мақсадида бир қанча эски ҳаммомлар қайта қурилган ҳамда қозонхоналари қайта тикланган. Аҳолининг ҳаммомларга нисбатан ўсиб келаётган эҳтиёжларини қондириш мақсадида 1944-1945 йилларда сиғими соатига 200 кишини қабул қила оладиган 2 та ҳаммом қуриб битказилди. Бу эса коммунал ҳаммомларда соатига 1771 кишини, турли идоралар таркибидаги ҳаммомларда эса соатига 600 кишини қабул қилиш имкониятини берган.

Даврнинг мураккаб шароитидан келиб чиқиб бу вақтга келиб, айниқса, аҳолининг сартарошхоналарга бўлган эҳтиёжи ортиб борган. 1941-1945 йилларда бутун Иттифок бўйича, балки Ўзбекистонда ҳам сартарошхоналарнинг аҳволи оғир ва чекланган шароитда фаолият олиб борган. Бу даврда аҳолига хизмат кўрсатиш тизими, шунингдек, сартарошлик хизматлари ҳам оғир иқтисодий қийинчиликлар таъсирида жиддий ўзгаришларга дуч келди. Биринчидан, сартарошхоналардаги моддий-техника базасининг танқислиги, яъни уруш даврида металл, резина, шиша каби хомашёлар фронт учун

йўналтирилганлиги боис сартарошлик жиҳозлари (қайчи, устара, ойналар, курси ва бошқалар) етишмаган. Иккинчидан, электр таъминотидаги узилишлар сабабли электр билан ишлайдиган сартарошлик асбоблари чекланган ҳолда ишлатилган. Учинчидан, мутахассисларнинг етишмаслиги муаммоси бўлиб, кўплаб сартарошлар армия сафига чақирилганлиги туфайли, мутахассислар сони камайиб кетганди. Бу танқисликни бартараф этиш учун ёшлар ва аёллар сартарошлик хизматига жалб қилинган ҳамда улар қисқа муддатли ўқув курсларида тайёрланган. Тўртинчидан, сартарошхоналар асосан шаҳарларда ва жамоат жойларида ишлаган. Қишлоқ ҳудудларида эса бундай хизмат деярли йўқ эди ёхуд кўчма шаклда амалга оширилган. Қатъий ўрнатилган комендантлик соати ёки ёритиш тақчиллиги сабабли сартарошхоналар кундузги соатларда қисқартирилган тартибда фаолият олиб борган. Бешинчидан, дезинфекция воситалари ва тоза сув таъминотида ҳам муаммолар кузатилган бўлиб, бу эса санитария талабларини бажаришда бир қатор қийинчиликлар туғдирган, аммо эпидемия хавфи юқори бўлгани боис санитар нazorat кучайтирилган. Олтинчидан, нархлар ва хизмат сифатидаги муаммолар бўлиб, сартарошлик хизматлари, айниқса, давлат муассасаларида қатъий белгиланган тариф бўйича амалга оширилган. Бунда сифат паст, лекин аҳолига фойдаланиш имкони бўлган минимал хизматлар кўрсатилган. Жумладан, соқол олдириш, соч олиш ва шу кабилар. Еттинчидан, эркакларнинг кўп қисми фронтга кетганлиги учун асосан, аёллар ва болалар учун хизмат кўрсатиш кенгайтирилган. Баъзида албатта, фронтга юбориладиган ҳарбийлар учун махсус сартарошлик жамоалари ҳам ташкил этилган.

Уруш пайтида савдонинг ва маиший хизматларнинг асосий ҳуқуқий асоси – бу рационинг тизими бўлган. Бу тизим асосида аҳолига асосий маҳсулотлар ва маиший хизматлар тақсимланган бўлиб, бу эса ҳуқуқий нормаларга асосланган.

Аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондиришда савдо марказларининг ўрни катта эди албатта. Озиқ-овқат ва кийим-кечак дўконларида маҳсулотларнинг етарли миқдорда эмаслиги, мавжуд маҳсулотларнинг сифати паст ҳамда истеъмолга яроқсиз эканлиги аниқланган. Дўконларнинг санитария ҳолати талаб даражасида бўлмаганлиги сабабли харидорлар сут маҳсулотлари олаётганда ўлчов бирлигидаги стакан ёки финжонда ичиб кўриш орқали текшириб олишган. Ёки бўлмаса гўшт, балиқ ва товуқ маҳсулотлари ҳам санитария кўригидан ўтмаган ҳолда сотилган. Нархларнинг давлат томонидан белгилаб қўйилганига қарамасдан, дўконлар ва бозорларда нархларнинг оширилган тарзда сотилиши кузатилган. Масалан, бозорларда кўк пиёз 4 рубл ўрнига 8 рубл, сабзи 8 рубл ўрнига 10 рубл, картошка -20 рублгача, сало – 200 рубл, тухум – 60 рублгача кўтарилган.

Нон таркибининг сифатсизлиги боис кўпгина аҳоли ошқозон-ичак касалликларига чалинган. Очлик туфайли кўпгина дўкон омборхоналарида нон, макарон, ун, ёғ маҳсулотларининг ёшириб қўйилганлик ҳолатлари кузатилган. Иқтисодий танглик сабабли аҳоли уй-рўзгор буюмларини, кийим-кечакларини ташкил қилинган очик бозорларда олиб чиқиб сотиб, егулик олишган.

Бозорларда назоратнинг етишмаслиги оқибатида маҳсулотлар воситачилар орқали улгуржи нархда сотилиб, яширинча бозорнинг орқа эшигидан ўтказилган. Масалан, Тошкент вилояти Ворошилов номли колхознинг сабзавот ларёгида сотувчи фуқаро Холиқов сметанани навбатдаги истеъмолчиларга бермай, бир томонга сотиб юборган, бу эса навбатда турган одамларнинг норозилигига сабаб бўлган. Баъзи колхоз сотувчилари маҳсулотни гўёки болалар боғчаларига сотилаётгандек қилиб олиб қўйишади, аммо аслида уни бозорда қиммат нархда сотишади. Шуни айтиб ўтиш лозимки, бозорларда нарх-наво тартибсиз, ўзи биларчилик асосида олиб борилган. Бунга асосий сабаб эса, бозорларнинг маҳсулот билан кам таъминланганлиги ҳамда савдо тармоғидаги мавжуд танқисликлардир. Чунки бозорларда маҳсулотлар турлари жуда чекланган ва асосан кам сотиладиган маҳсулотлар мавжуд эди. Бу эса бозорнинг асосий муаммоси бўлиб, аҳоли эҳтиёжига керакли маҳсулотларнинг етишмаслигига олиб келган. Бундан ташқари, сифатни бузиш ҳамда фалсификация ҳолатлари ҳам аниқланган. Жумладан, баъзи бозорларда Кагорий виноси суюқлик билан суюлтирилган. Ёки хизмат маҳсулотлари, масалан, санитар-гигиеник воситалар (одиколон, ёд, аспирин ва бошқалар) дўконларда яширилган ва нафақат тармоқ балки савдо назоратчилари ҳам бу маҳсулотларни таъминлашда муаммо чиқарганлар.

Аҳолининг маиший турмуш тарзини яхшилашда асосан бозор ҳудудларида аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият юритган бўлиб, улардаги ҳолатлар қониқарли эмасди. Савдо бирликларида ички тартибни етарли даражада сақланмаслиги кўплаб қоидабузарликларга олиб келган. Мисол учун биргина Тошкент шаҳрида жойлашган бозорларда фаолият олиб борадиган қуйидаги хизмат кўрсатиш шохобчаларидаги муаммоларни кўриб чиқсак:

1. Мебел дўкони №1. “Шарк – Юлдуз”:

- Мижозларга хизмат кўрсатишда муаммолар шундан иборатки, дўконнинг эшигида “Дўкон раҳбари омборга кетаётгани” ҳақида ёзилган ёзув илинган бўлиб, лекин қайси вақтда қайтиши ва дўкон қачон очилиши кўрсатилмаган.

- Мебелни сотишда муаммолар: маҳсулотлар, жумладан, мебель одатда сотилмайди, балки айни вақтда муайян шахслар учун олдиндан ажратилиб, “сотилган” деб ёзиб

кўйилади. Ушбу дўконнинг иши шаффоф эмаслиги ҳамда хато-камчиликлар мавжудлигини кўрсатади.

2. Олой бозоридаги турмуш шартлари қуйидагилар эди:

- Ошхоналар антисанитар ҳолатда бўлиб, бу эса истеъмолчиларнинг саломатлигига жиддий хавф туғдирган.

- Таомлар тарқатиш ва ҳисоб бўйича назорат йўқлиги сабабли хизмат кўрсатиш ҳам сифатсиз эди.

- Баъзи ошхоналар умуман консервация, яъни сақлашга олинган ёки кечиктирилган ҳолда очилган.

3. Устахоналар ва таъмирлар:

1. Артел “Ремонт” нинг 7-устахонасида электр плиткалари ижарадаги нархлардан қимматга ишлаб чиқарилган. Устахоналар фаолиятига назорат етарли эмас, натижада истеъмолчилардан кўп шикоятлар келган.

2. Примуслар ва чугунли уй маиший идишлар таъмири билан ҳам муаммолар бир талай, устахоналарда преysкурантлар, яъни нарх ёзилган қоғозлар кўрсатилмаган бўлиб, бу нархларни назорат қилишни қийинлаштирган.

Ўзбекистон ССРдаги бошқа бозорларда ҳам аҳвол қониқарли бўлмаган. Мисол учун Октябр бозоридаги ошхоналарда таомлар фақатгина суп ва лағмон тортиш билан чекланган. Нархи эса 4-7 рубл бўлиб, бу эса овқатланиш сифати пастлигини кўрсатади. Туркман бозорида жойлашган ошхоналар эса ҳалигача ўз фаолиятини тикламаган бўлиб, 1941 йилда антисанитар ҳолатда бўлганлиги сабабли ёпилади.

Иқтисодий қийинчилик даврида аҳолини маиший хизмат билан таъминлаш ҳамда унинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш учун ҳукумат томонидан бир қатор қарорлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинади. Ушбу ҳужжатлар асосан, маиший хизматларнинг санитария талаблари, маҳсулотларнинг тақсимот тартиби, шунингдек, маҳаллий ҳокимиятлар томонидан қўлланиладиган меъёрлар эди. Бу каби қарорлар, шу билан бирга колхозлар, шаҳарлар ва қишлоқлар даражасида ишлаб чиқилган бўлиб, улар жорий қилиниб, аҳоли эҳтиёжларини қондиришга қаратилганди. Улар хўжалик, давлат савдоси ва коммунал хизматлар соҳасида ишлаб чиқилганди. Аммо ушбу асослар ягона совет андозаларига мослаштирилган ҳолда ишлаганди.

Хулоса: Умуман олганда совет ҳокимиятининг Ўзбекистон ССРда олиб борган аҳолига хизмат кўрсатиш сиёсати ҳар қайси даврда ўзига хос қийинчилик ва муаммоларни келтириб чиқарган. Чунки бош мақсад халқ манфаатига эмас, балки совет давлати манфаатига қаратилган эди. Бу мақсадлар айниқса, иккинчи жаҳон уруши даврида яққол

намоён бўлди. Аҳоли ўз эҳтиёжларини кондиршиш учун давлатдан ёрдам кутмасдан, ўз кучи билан мардонавор курашди. Аммо кундалик эҳтиёжларни кондиршишда бу етарли эмасди. Шу сабабли бошқа соҳалар сингари маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам ривожлантирилмай қолди. Натижада баъзи соҳалар фаолият кўрсатди холос.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет муштамлакачилиги даврида. 2-жилд. – Т. 2000. “Шарқ”.
2. Шодмонова С. Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёнлари (1917-1941 йиллар). “Адабиёт учкунлари”. – Т. 2015.
3. Ўзбек халқининг иккинчи жаҳон урушида ғалабага қўшган ҳиссаси (Архив ҳужжатлари тўплами). – Т. “Академнашр”. 2023.
4. Узбекская ССР в годы Великой Отечественной Войны (1941-1945 гг.) Том 3. Победоносное завершение войны. – Т. 1985.
5. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон. Монография. “Замин”. – Т. 2024.
6. Насиров Б. У. “Ўзбекистон аҳолисининг кундалик ҳаётида маиший хизмат тизимининг ўрни (1925-1991 йиллар). PhD диссертациси. Т – 2018. 88-89-бетлар.
7. ЎзМА, Р-837-жамғарма, 32-рўйхат, 3659-иш, 69-вароқ.
8. ЎзМА, Р-837-жамғарма, 32-рўйхат, 3659-иш, 70-вароқ.
9. ЎзМА, Р-837-жамғарма, 32-рўйхат, 3659-иш, 71-вароқ.
10. ЎзМА, Р-837-жамғарма, 32-рўйхат, 3659-иш, 72-вароқ.